



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 14 » iyun

№ 371

Toshkent sh.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда маданий мерос масалалари бўйича Халқаро маслаҳат қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, маданий меросни муҳофаза қилиш, асраш, оммалаштириш ва улардан оқилона фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси ва ЮНЕСКО ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг (кейинги ўринларда – Миллий комиссия):

Ўзбекистонда маданий мерос масалалари бўйича ташкил қилинадиган Халқаро маслаҳат қўмитасини (кейинги ўринларда – Халқаро маслаҳат қўмитаси) 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этиш;

Ўзбекистонда маданий мерос масалалари бўйича Халқаро маслаҳат қўмитасининг 2-иловадаги ташкилий схемага мувофиқ бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Халқаро маслаҳат қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишлари эканлиги инобатга олинсин:

жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган мамлакатимизнинг маданий меросини Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда бу борада халқаро ташкилотлар ва ЮНЕСКО маслаҳатлашув органлари (ИКОМОС, ИККРОМ) билан ҳамкорликни кенгайтириш;

моддий маданий мерос объектлари ва Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар (объектлар) муҳофазасини кучайтириш, уларнинг умумбашарий бемисл қимматини ишончли сақлаб қолиш бўйича илмий ва амалий таклифлар тайёрлаш, тегишли лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш;

Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар (объектлар) бошқарув режалари, меросга бўлган таъсирини баҳолаш ҳисоботларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда аҳолига муносиб турмуш тарзини яратиш бериш учун тарихий шаҳарларни оқилона ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси қўмитаси қарорлари ва тавсияларини Ўзбекистонда самарали амалга оширилишида иштирок этиш ҳамда бу борадаги миллий ҳисоботлар тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатиш;

моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган масалаларни илмий жиҳатдан кўриб чиқиш, уларни ҳал этиш бўйича илмий ва амалий таклифлар тайёрлаш;

маданий мерос соҳасида кадрлар малакасини ошириш мақсадида халқаро конференциялар ва семинар-тренинглар ўтказиш, услубий қўлланмалар ишлаб чиқишга кўмаклашиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Халқаро маслаҳат қўмитаси моддий маданий мерос масалалари ҳамда Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар (объектлар) бўйича маслаҳат органи ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги Халқаро маслаҳат қўмитасининг ишчи органи ҳисобланади;

Халқаро маслаҳат қўмитаси фаолияти билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигига тақсимланадиган маблағлари доирасида қопланади;

Халқаро маслаҳат қўмитасининг харажатлар сметаси ҳар йили январь ойининг 20-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги томонидан Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий комиссия ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳамда ЮНЕСКО таклифлари инобатга олинган ҳолда тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – туризм ва спорт вазири, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

Халқаро маслаҳат қўмитаси аъзоларининг Ўзбекистон Республикасидаги транспорт, меҳмонхона, овқатланиш ва ташрифлари билан боғлиқ бошқа сарф-харажатлари қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган манбалар ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг талабномаларига биноан Халқаро маслаҳат қўмитасининг чет эллик аъзоларига белгиланган тартибда кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг талабномаларига асосан Халқаро маслаҳат қўмитасининг чет эллик аъзоларига кўп марталик визалар берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ҳамда муддатини узайтиришни белгиланган тартибда таъминлансин.

6. Халқаро маслаҳат қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

Миллий комиссия, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги, Маданият вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари Халқаро маслаҳат қўмитаси билан яқин ҳамкорлик қилсин ҳамда унинг фаолиятини самарали ташкил этишга кўмаклашсин;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар Халқаро маслаҳат қўмита тавсия ва таклифларини кўриб чиқиб, асосли тавсия ва таклифларни белгиланган тартибда амалга оширилишини ташкил этсин.

7. Халқаро маслаҳат қўмитасига Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси 107 Б-манзилидаги Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги биносидан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида тегишли хона ажратилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – туризм ва спорт вазири А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Ўзбекистонда маданий мерос масалалари бўйича
Халқаро маслаҳат кўмитасининг
ТАРКИБИ**

1. Майкл Тернер – шаҳар дизайни бўйича мустақил эксперт, профессор (Исроил)
2. Михаэль Янсен – археология ва хужжатлаштириш бўйича мустақил эксперт, профессор (Германия)
3. Кристина Яманди – шаҳарсозлик ва маданий меросни асраш бўйича эксперт (Руминия)
4. Этьен Клемент – мерос ҳуқуқи бўйича мустақил эксперт (Белгия)
5. Юкио Нисимура – мерос ва шаҳарсозликни сақлаш бўйича эксперт, профессор (Япония)
6. Кра Терра – тупроқли меъморий архитектура бўйича эксперт (Франция)
7. Шадия Юсеф Тукан – Бутунжаҳон мероси марказининг Араб минтақаси директори, архитектор ва тарихий шаҳарлар бўйича мутахассис
8. Тамар Тенеишвили – археолог, профессор (Грузия)
9. Мавлуда Юсупова – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти бўлим бошлиғи (Ўзбекистон)
10. Гавхар Дурдиева – Хоразм Мамун академияси раисининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, архитектура фанлари доктори (Ўзбекистон)
11. *Келишувга мувофиқ* – Ёдгорлик ва диққатга сазовор жойлар бўйича халқаро кенгаши (ИКОМОС) вакили

12. *Келишувга мувофиқ* – Маданий бойликларни сақлаш ва тиклаш бўйича халқаро тадқиқот маркази (ИККРОМ) вакили
13. Дмитрий Воякин Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти директори (*лавозимига мувофиқ*)
14. *Келишувга мувофиқ* Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вакили
15. *Келишувга мувофиқ* Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вакили

Изоҳ. Зарур ҳолларда Халқаро маслаҳат қўмитаси таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси раиси томонидан ЮНЕСКО билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “14” июндаги 371-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистонда маданий мерос масалалари бўйича Халқаро маслаҳат қўмитасининг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишнинг ТАШКИЛИЙ СХЕМАСИ

